

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ИРРИГАТОРЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТГА ИЖТИМОЙЛАШУВИ

¹Равшанов Алишер Сайдуллаевич, ²Исмаев Анвар Нейматулла ўғли

¹“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети, с.ф.д., PhD

²“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети, Туризм йўналиши талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11214381>

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида таълим ва бошқа соҳадаги ислохотлар ва соҳага кириб келаётган инновациялар, уларнинг мазмуни, йўналиши ва функциялари, ушбу жараёнда талаба-ёшларда ижодкорлик, интеллектуал фаолият билан боғлиқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган ижтимоийлашув жараёни тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: ижтимоийлашув, таълим, инновация, талаба, замонавий ирригатор, интеллектуал фаолият, идентификация, адаптация, эспектация, фасилизация.

Аннотация. В статье рассмотрены реформы в образовании и других сферах и инновации, поступающие в сферу на новом этапе развития Узбекистана, их содержание, направление и функции, процесс социализации, служащий формированию умений и компетенций, связанных с творчеством и интеллектуальной деятельностью в исследуются студенты и молодежь в этом процессе.

Ключевые слова: социализация, образование, инновации, студент, современный ирригатор, интеллектуальная деятельность, идентификация, адаптация, эспектация, фасилизация.

Abstract. The article discusses reforms in education and other areas and innovations entering the field at the new stage of development of Uzbekistan, their content, direction and functions, the process of socialization, which serves to develop skills and competencies related to creativity and intellectual activity in students and youth are studied in this process.

Key words: socialization, education, innovation, student, modern irrigator, intellectual activity, identification, adaptation, respect, facilitation.

Ўзбекистоннинг глобал дунёга тизимли равишда трансформациялашиб бориши биринчи навбатда мамлакат ёшлари ва уларнинг ижтимоийлашуви билан ҳам аҳамият касб этади. Замонавий ёшларнинг ижтимоий муҳит шарт-шароитларига ижтимоийлашувидаги энг асосий бўлган хусусиятлар трансформациялашган жамият ва унинг оқибатида вужудга келган субъектив вазиятларга боғлиқ бўлиб қолади. Бу жараёнда ёшларнинг ўз олдиларига қўйган вазифалари, шарт-шароитга мослашуви ва истикболдаги эришилиши кўзланган мақсадлари сиёсий ва социологик нуқтаи назардан илмий таҳлил ва башорат қилиниши лозим. Инкор этишнинг ҳожати йўқ, бу борада замонавий ирригатор кадрлар мавзуси ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида жиддий таҳлил қилинмаган. Мавжуд ахборотлашган жамият замонавий ирригаторлар олдида турли хил муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, интернет тармоғи имкониятларидан ҳамма вақт ҳам унумли фойдалана олмаслик, баъзи ҳолатларда мавжуд ахборот оқимиغا нисбатан мафкуравий иммунитет кўникмасининг етишмаслиги уларнинг технологик трансформациялашган жамиятга ижтимоийлашуви қийин кечаётганидан далолат беради.

Табиийки, ижтимоийлашув вояга етиб келаётган ҳар қандай индивидда ижобий ёки салбий хусусиятларни бир вақтда ўзлаштириб бораверади. Бунда шахсга таъсир кўрсатувчи объект (социал гуруҳ, жамият, социал институтлар, биомухит ва ш.к.)нинг ўрнини тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади. Россиялик тадқиқотчи Н.К. Жамсуева ўз илмий ишида ёшлардаги ижтимоийлашув жараёнларини қуйидаги жиҳатлар билан боғлайди:

- адаптация (нафақат ташқи муҳит жараёнларига, балки инсоннинг ички руҳий дунёсини шакллантирувчи фаол ва нофаол кечинмаларга мослашиш);
- ҳис қилиш (жамиятдаги мавжуд билимлар тизимини ўзлаштиришда, уни объектив фаолиятнинг инъикоси сифатида қараш);
- тақлид қилиш (Г.Тардга кўра тақлиднинг психологик механизмлари онгли ва онгсизлик кўриниши сифатида индивиднинг ҳулқ-атворини белгилаб беради);
- ўзаро фаолият орқали (индивид ва жамият ўртасидаги муносабатлар ижтимоийлашув объектининг коммуникатив жиҳати ҳисобланади);
- таъсир ўтказиш (жамият ва референт гуруҳларнинг мақсадга йўналтирилган таъсир ўтказиши натижасида онгсизлик ҳолатида қадриятли ва меъёрий установкаларни ўзлаштириш);
- фасилизация (ҳулқ-атворни юмшатиш, бунда референт гуруҳлар индивидга маълум даражада эркинлик бериб, унга ижодий ёндашиш асосида ўз тажрибасини намоён қилиш имконини беради);
- ингибиция (ҳаракатнинг пасайиши, индивиднинг ҳаётий тажрибада ўзи тўплаган социал тажрибаси асосида шаклланган ҳулқ-атворига атрофдагиларнинг тўсқинлик қилиши);
- эмпатия (индивиднинг ўзини бошқалар ўрнига қўйиш қобилияти ёки шунга тайёрлик, воқеъликка ўзга киши кўзи билан қарашга ҳаракат қилиш);
- эспектация (индивидларнинг ўз фаолиятларини бошқа кишилар кутган реалликлар билан олиб бориши);
- идентификация (шахснинг ўзини бошқаларда мавжуд белгилар билан ҳис қилиш, англаш жараёни)¹.

Бугунги кунда сиёсий-ижтимоий муҳит жиддий ўзгаришга учраган. Бу нафақат қадриятлар тизимининг ўзгарганлиги, балки янги типдаги ахборот-коммуникатив макон - Интернетнинг пайдо бўлганлиги ҳисобига содир бўлди. Интернет истеъмолчиларининг ёши бўйича гуруҳларининг фоиз ҳисобида мувофиқлашуви мутахассисларни янги фактор - Интернет таъсирида ижтимоийлашув натижаларининг турғунлиги ва ўзгарувчанлиги диалектикаси масаласига эътибор қаратишга мажбур этмоқда.

Янги ахборот технологиялари фаолиятининг ижтимоий-гуманитар натижалари бениҳоя ранг-барангдир. Улар инсон меҳнат фаолияти характерини, унинг ижтимоий алоқаларини, ижтимоий муносабатларнинг шакл ва мазмунини ўзгартиради. Шу билан боғлиқ равишда тадқиқотчиларнинг диққат-эътибори марказида ахборот технологияларининг инсон руҳиятига таъсири, компьютер воситасидаги мулоқот ва Интернетдаги инсон фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари каби масалалар ўрин олди. Бир неча ўн йил аввал (1962 йили) телевидение ва ахборот узатишнинг бошқа электрон воситалари ривожини билан боғлиқ равишда М.Маклюэн фикрлаш усулидаги ўзгаришни қайд

¹ Жамсуева Н.К. Социализация молодежи в обществе переходного периода (общетеоретический подход). Улан-Уде, 1999. – С. 23-24.

этган эди (чизикли фикрлаш ўрнини “мозаикали” фикрлар эгаллай бошлади, тафаккурнинг асосий тузилмалаш тамойили сифатида мифнинг қайта тикланиши ва ҳ.к.). М.Маклюэн фикрлаш усули ва социал муносабатларнинг ўзгаришига “мулоқот воситалари”нинг таъсирига алоҳида эътибор қаратди.

Жамиятда ирригатор кадрларнинг ижтимоий ҳаётга ижтимоийлашувидаги *ноаниқлик* позицияси замонавий шароитда социал ва психологик мазмун касб этиб, уни демографик, биомуҳит ва ижтимоий ҳодисаларни инобатга олган ҳолда изчил тадқиқ этишни талаб этади. Умуман олганда янги ахборот технологиялари ва улардан инсон ҳаётида фойдаланишни такомиллаштириш борасида бир-бирига мутлақо зид бўлган баҳо ва прогнозларни учратиш мумкин. Бир томондан, ижтимоий фикрда компьютерларнинг ёш ирригаторларнинг онгу тафаккурига фақат салбий таъсир ўтказиши ҳақидаги тушунча ўрнашиб қолган. Аммо бу фикрга зид ўлароқ янги ахборот технологияларнинг жамиятга ва жумладан, таълим тизимига фақат ижобий, самарали таъсири ҳақидаги ўта кўтаринки қарашлар ҳам кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикасида кечаётган социал иқтисодий ислохотлар негизида мазкур кўтарилган масала ахборотлар жамияти кишиси характериани баҳолашда ўзининг илмий аҳамиятига эга бўлиб бораверади.

Шунингдек, жамиятда таълим соҳасидаги баъзи камчиликлар талаба-ёшлар орасида ишсизликни кенгайтишига сабаб бўлмоқда, десак муболаға бўлмайди. Чунки олий ўқув юртларидан иш ўрни яратадиган кадрлар эмас балки, фақат иш излайдиган кадрлар етишиб чиқишига олиб келмоқда. Бу эса жамиятда баъзи муаммоларни юзага келтирди. Шу боисдан бугунги кунда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таълим сифатида катта эътибор бермоқда. Ҳатто, “уюшмаган ёшлар” тушунчалари ҳам оммалашди. “Уюшмаган ёшлар” атамаси ўз мақсадини индивидуал тарзда, давлат ва жамиятда яратилган имкониятлардан фойдаланмасдан, нофаол (примитив) тарзда самарасиз амалга ошираётган ёшларга нисбатан қўлланилади. Бу тоифадаги ўғил-қизлар ўзининг эртанги кунини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга бўлмайди.

Тадқиқотчилар уюшмаган талаба-ёшларнинг юзага келиши бевосита давлат идоралари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг талаба-ёшларга бўлган муносабатида йўл қўйилган хатолар билан боғлиқ, деб ҳисоблашади. Айни чоғда олимлар бундай талаба-ёшлар мамлакат навқирон авлод вакиллариининг энг кўп эътибор талаб қиладиган қисми эканлигини қайд этишган.

Ёшларга муаммо сифатида қараб сиёсат олиб борадиган мамлакатлар ҳукумати фақат тарбияси оғир ва ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар билан ишлайди. Бунда давлатнинг мақсади фақат уларни ҳуқуқини таъминлаш имконини яратиш бўлади². Талаба-ёшларга ресурс сифатида қараб олиб бориладиган сиёсат - бу ўз ҳуқуқлари, қобилиятларига эга тўлақонли фуқаролар сифатида кадрлаш ва уларнинг имкониятларини янада кенгроқ намоён этиш учун шароитлар яратиш. Ушбу ёндашув уларнинг мустақил меҳнат ва ижод қилишини рағбатлантиради ҳамда танқидий-тахлилий мушоҳадасини кучайтиради, жамият тараққиёти учун хизмат қилишга ундайди. Бундай сиёсат ҳамма талаба-ёшларга мақсадли гуруҳлар сифатида қарайди³. Жаҳон тажрибасида ҳам талаба-ёшларга ресурс сифатида,

² Вальтер Андреас и др. (2002), стр. 28-29. <http://www.iris-egris.de/yoyo/pdf/YoyoWP1StateofArt.pdf> (последний доступ – апрель 2009 г.).

³ Finn Yrjar Denstad. Youth Policy Manual. Council of Europe Publishing. September 2009. p.17.

уларни маҳаллий ҳамжамиятларнинг мулки ёки фаол ўзгаришлар агенти сифатида қаралса, улар ўзларининг барча қувватини, энтузиазм, ғояларини жамиятни янада такомиллаштиришга йўналтиришади. Улар талаба-ёшларга оид сиёсатни юритишда муҳим сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок эта олади⁴.

Талаба-ёшларни шундай давлат ва жамият аҳамиятига молик қарорлар қабул қилинишида жалб этиш, уларда қабул қилинаётган қарорлар учун дахлдорлик, жамоавий масъулият ҳиссини шакллантиради. Талаба-ёшлар қабул қилинган қарорлар учун масъулиятни ҳис қилганда уларни амалга ошириш яна ҳам енгиллашади ва ўша сиёсатни ўзлари қўллаб қувватлайди, бу эса ёшларга оид давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошишини таъминлайди.

Жамиятда мавжуд бўладиган иррационал ишончнинг тараққиётга салбий таъсири мавжуд. Эрих Фромнинг таъкидлашича, иррационал ишонч – бу бирор ғояни жамоа ёхуд қандайдир обрўли шахс ҳақиқат деб ҳисоблагани учун ҳақиқат деб қабул қилиш⁵. Иррационал ишонч шахснинг ижодий пассивлигига асосланиб, ҳурликка ҳам, ижтимоий янгиликка ҳам интилмайди. Иррационал ишонч нимагадир ёки кимгадир мутаассибона (фанатик) ихлос қилишдирки, унинг моҳияти шахсга тегишли ёки шахсдан ташқарида турувчи иррационал обрўга бўйсунитдан иборат. Рационал ишонч – ўз кузатишларига ва мушоҳадаларига асосланган. эътиқод мустақиллиги (Э.Фром). Рационал ишонч шахснинг фаол ҳаракатига, яратувчилигига асосланади, янгиликларга, ранг-барангликка, мавжуд ҳолатни ўзгартиришга интилади. Шу боисдан ёшларда рационал ишончни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш лозимдир.

Замонавий ирригаторларнинг инновацион фаолиятга ижтимоийлашуви ва уларни фаоллигини ошириш бўйича вазифалар қуйидагилардан иборат:

- кадрларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини мувофиқлаштирган ҳолда, замонавий тарбия технологияларни ўзида мужассам этган лойиҳалар тайёрлаш ва университет талабалари ўртасида намойиш қилиш;

- уларни турли муаммолар юзасидан тезкор ва мақбул фикр юритишга тайёрлаш;
- таълим тизимида мустақил фикр билдира оладиган шахслар сифатида тарбиялаш;
- зукколик, хушёрлик, сезгирлик хусусиятларини шакллантириш;
- университетда талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва кўнгилли ўтказиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

- уларни ўз ташаббуслари билан нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга ўргатиш.

Бугун талаба-ёшларнинг тафаккурини соғломлаштириш келгуси жамиятнинг соғломлигини таъминловчи омил ҳисобланади. Шундай экан, талаба-ёшлар кайфиятлари, орзу-умидлари, ҳаётий мақсадлари, интилишларини илмий ўрганиш, улардан турли хулосалар қилиш, уларнинг интилишларини ижобий ва бунёдкорлик ишларига йўналтиришга эришиш ўта долзарб стратегик вазифалардан ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бўлажак ирригатор кадрлар ўртасида аввалроқ миқдорлар билан ишлаш малакаси ва касбий кўникмаларни шакллантириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Қуйида ирригация соҳасида фаолият олиб боровчи касб эгалари билишлари керак бўлган муҳим тамойиллар кўрсатилган.

⁴ Руководство помолодежной политике. Совета Европы. Страсбург. 2015 г. с.

⁵ Фром Э. Психоанализ и этика. М., 1993, с. 159.

- инсонпарварлик тамойили (инсонни олий қадрият деб тан олиш);
- адолатлилик тамойили (шахс қобилятларини амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш ва тенг ҳуқуқлилиқ);
- ишонч тамойили (мижоз ва ходим ўртасидаги ўзаро ишончли муносабат);
- профессионаллик тамойили (ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлиш);
- конфиденциаллик тамойили (сир сақлай олиш, мижоз тўғрисидаги маълумотларни ошкор этмаслик);
- инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилиш тамойили (мижоз ким бўлишидан қатъий назар уларни ҳурмат қилиш ва қабул қилиш);
- касбий ҳамкорлик тамойили (нафақат мижозлар билан балки, мурожаат қилувчига бевосита ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирлик, идора ва муассасалар билан амалий ҳамкорлик);
- масъулиятлилиқ тамойили (мижоз ҳақида ғамхўрлик қилиш, эътиборлилиқ).

Ўйлаймизки, келгусида истикболли ирригация соҳасини ривожлантириш орқали мамлакатда сув хўжалиги хизматларга замонавий йўналишларни киритиш, ташкилотлар билан ишлашда ирригатор ходимларнинг малакасини янада ошириш ва уларнинг амалиётини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу каби олдимизда турган вазифаларни амалга оширишимиз энг аввало етишиб чиқаётган ёш кадрларни эртанги кунларида ўз ўринларини топишларида хизмат қилишини доим ёдда тутмоғимиз даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жамсуева Н.К. Социализация молодежи в обществе переходного периода (общетеоретический подход). Улан-Уде, 1999. – С. 23-24.
2. Вальтер Андреас и др. (2002), стр. 28-29. <http://www.iris-egris.de/yoyo/pdf/YoyoWP1StateofArt.pdf> (последний доступ – апрель 2009 г.).
3. Finn Yrjar Denstad. Youth Policy Manual. Council of Europe Publishing. Sept. 2009. p.17.
4. Руководство помолодежной политике. Совета Европы. Страсбург. 2015 г. с.
5. Фром Э. Психоанализ и этика. М., 1993, с. 159.